

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 106 (3588).

Сешанба, 30 май 1967 йил

Баҳоси 2 тийин.

ТЎҒҚИЗ ҚАҲРАМОН

Биз бу ерга келганимизда шайхонда ҳеч ким йўқ эди. Ҳамма иш бошди. Ҳамроҳимиз — совхоз директори Ҳакимжон Обидов сўзини давом эттирди:

— Минг йиллардан бери бу ерга инсон қадами етмаган. Қўл, ҳовуз, қаминзорлар орасида юриш ҳавфи эди. Чангал, тиканан дарахтларини айтмайсанми? Бундай чакалзорларни ўзлаштириш шу вақтгача ҳеч кимнинг эсига келмаган. Келган бўлса ҳам бу ишга дадил енг шимариб киришмаганди.

Директорнинг ҳикояси тамом ҳам бўлмади узоқда бир отлик кўриди. Уни Обидов дарров таниди. Наҳиддин Шамсиев ўша киши бўлади деди у. Наҳиддин аканинг таърифи бир дoston экан. Паст бўлиб мош-гурунч соқолли, бу кишини кўришгичи билан камтар, камсуқум эканлигини дарров пайкаб олмаси.

Май ойининг боши эди. Наҳиддин ака узоқ Гул қишлоғидан совхоз маркази Қўрғончиға етиб келди. Идорага кириб ичидида барча гапларни раҳбарларга айтди. Каноп экинчи тахт қилиб қўйилган ерларга чигит экиш мақсада мувофиқ эди.

Томдан тараша тушгандек кутимган бир вазиғда айтилган бу гап бошқаларни таажжубга солди. Идоралилар бир-бирларига галати бўлиб қарашиб, у бу вазиғни пайкаб давом этди.

— Маълумки, — деди у ўшанда, — кун дабурустан исб тоғлардаги қорни эритиб юборди. Дарё, каналлардаги сув ҳаддан ташқари қўйилди. Оқибатда бебос сув талайгина экинзорларни ювиб кетди. Пахтага ҳам озмунча зарар етказмади. Зарари қолмасасан қанабат илғиқликларини енгилса олмади, деган дошном оштинмас. Обастимиз, районимизда пахтачиликни ривоникларини мўҳим ишга муносиб ҳиссамизни қўйилик, тайёр ерларга чигит экайлик, янги ерларни очиб уларни каноп-зорга айлантирайлик, деган фикрдаман. Шу мақсадда сизларнинг ол-

қийин бўлди. Вақтида овқатланиб, дам олиш имконияти бўлмади. Нима қилиш керак эди, қийинчилигини енгилса керак эди. Қуни билан ишлаб кечурунларни далада қолдиришди. Шундай қилинмасан, йил ҳам йўқ эди. Вақт оз, иш тизиг, тез ҳаракат қилиб ер очил, экин экиш зарур эди. Шундай қилинди ҳам, Қўнудз кечага улашиб кетди. Натикда бирин-кетин ишлар амалга оширилди. 8 баҳодир ёнига яна қанчадан-қанча ёрдамчилар келишди. «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхоз механизаторларидан 13 киши ўзларининг пўлат отлари билан жавлон урдилар. «Узсельхозтехника» бирлашмасининг Оққўрғон, Қўйи Чирчиқ бўлимларининг механизаторлари ҳам гайрат, жасорат кўрсатишди.

Бўльдозерчи, скреперчилар, грейдерчилар ажойиб меҳнат намуналарини кўрсатишди. Совхоз маъмурияти қўриқ ер ўзлаштирувчилар учун нима керак бўлса, шунини ҳозирлаб турди. Натикда бир неча кун ичида 57 минг кубометр тупроқ ишлари бажарилди. 40 километр ҳажмида ирригация шохобчалари қазилди. Ботқоқзорнинг суви қочирилди. Қаминзорлар илдан билан ҳайдаб ташланди. Унқир-чўкирлар нафтадек текисланди.

Қўнудз, уф бўлмас чакалзорда каттагина меҳнат фронти очилди. Ҳар бир киши ўзига топширилган ишни саноат билан бажаришга иштирок этди. Бош қашнига ҳам вақт йўқ эди. Ҳужум кун сайини кучайди. Қўнудз ер очилиб, чангалзор чекина берди.

Юқори, пастки карталарга бир назор ташлаб қўриқ-а. Ўтган ҳафталарда бу ерларнинг тупроғи лора, сарин, қуланган иборат эди. Эндичи, биринчи сувдан кейин ҳуво тамомлаб бошқача бўлди. «Қўнудз» пайкали қўлф уранили. Ўзлаштирилган 140 гектар майдонда экинлар гурираб ўсмоқда.

— Тупроғи турли хил бўлган бу ерлардан бирданга қўл ҳосил олиш қийин, — дейди Наҳиддин ака, — лекин биз шу қийинчиликлардан қўчмаймиз. Ҳалол меҳнат қилиб енгилмас. Ўғитдан қўнудз фойдаланиб, парвариниш кучайтирилди. Бир йилнинг ўзига гектарида юз центнердан каноп пуси топирамиз. Бу бизнинг улус юбилейимизга муносиб совға бўлади.

Сув тақислиги сезилиб қолгани учун ишга қилиш керак? Азаматлар бунинг ҳам йўлини топишди. Экинчиларнинг ёрдами билан чуқур ҳовуз қамилди. Кейин унга оқова сизот сувлари ҳайдалди. Қарандилар «П-35» маркали киши трубади насос машинаси келтирилди. Унинг ёрдами билан бу ҳовузда оқова сувдан 350 литрнинг бемадор баландга чиқариб турши мумкин. Шундай қилиб, керакисиз, «ёмонга» чиққан ва асрлар бўйи Сирдарёга оқиб ётган сувлардан ҳам фойдаланиш чораси топилди.

Гул қишлоғи ёнидаги чакалзорда бошланган катта иш совхознинг бошқа бўлимларида ҳам келг кўлоқ бўлди. Ишчилар ташланди, қўлиб кетган, ўзлаштирилмаган ерларни ишга солиб баракали хирмон кўтариш йўлида меҳнат қилишляпти.

Совхозда бизга қуйидаги рақамлар айтиб беришди. Қўнудз вақт ичида 75 ўрнига 300 гектар янги ер ўзлаштирилиб, ишга солинган. Бу ерларга каноп, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари экилган. Ҳозир уларнинг ривожини ёмон эмас.

Ҳўналида пахта майдони ўтган йилдагига қараганда икки баравардан зиёдроққа қўлайди. Ўтган йили 1300 тонна «оқ олтин» етиштириб беришганди. Ишчилар юбилей йилдаги пахтамин 3 минг тоннадан кам бўлмайди дейишмоқда. Каноп поясин 20 минг тоннага қўпайди.

Тўққиз қаҳрамон катта ишга қўл уришди ва уни шараф билан бажаришмоқда. Юбилей йили таитаналарида улар дастурхонимизнинг тўридан муносиб ўрин оладилар, албатта.

М. ҒОЗИЕВ,
«Тошкент муҳбири»

Н. В. ПОДГОРНИЙ ТОШКЕНТДА

Афғонистон подшоҳи Муҳаммад Зоҳиршоҳ тақдифига мувофиқ, расмий визит билан Қўбуга бораётган СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний 29 май кечқурун Тошкентга келди. Тожикистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. Холлов, СССР энергетика ва электрлаштириш вазирлиги П. С. Непорожний, СССР Министрлар Совети ташқи ишлар алоқалар давлат комитети раисининг биринчи ўринбосари Н. В. Архипов, СССР, Ташқи

ишлар вазирлигининг ўринбосари В. М. Виноградов Н. В. Подгорнийга ҳамроҳ бўлиб бормоқдалар. Тошкент аэропортида Н. В. Подгорний ва унинг ҳамроҳларини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг масбул ходимлари кутиб олдилар. (ЎзТАГ).



Ўрта Чирчиқ районидagi Охунбобоев номли колхознинг 30 центнер учун курашаётган ўртоқ И. Тожикистон бошлик звероюсида гўза қорларига иккинчи комплекс ишлов бериш намунаси олиб боришмоқда. Суратда: зверо даласида култивация пайти.

СОВХОЗДА ТАНТАНА

Клуб олдида одамлар бир-бирини табриклашар эди. Тошкент области, Оққўрғон районидagi «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхоз Ленин орденли билан мукофотланди. Бу билан совхознинг иккам қирқ йиллик меҳнатига юксак баҳо берилади. Бу билан одамларнинг ери янашатиб «оқ олтин» ўстириш, фаровонлик келтириш йўлида қилган меҳнатини она-Ватан муносиб тақдирлади.

Катта клубга совхоз ишчилари.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА
ДАВЛАТГА ПИЛЛА
ТОПШИРИШНИНГ БОРИШИ
ТЎҒРИСИДА 29 МАЙГАЧА
БЎЛГАН МАЪЛУМОТ
(процент ҳисобида)

Районлар	Бир кунда	Маъсум бошдан бери
Калинин	3,5	101,5
Бекобод	10,0	97,4
Янгийўл	6,0	95,8
Оққўрғон	11,1	90,7
Орхониккидзе	6,9	57,1
Ўрта Чирчиқ	8,1	52,8
Бўка	10,8	44,6
Юқори Чирчиқ	5,7	8,7

Область бўйича: 6,1 — 68,2

агрономлар, бўлим бошлиқлари, қўшни колхозлардан келган меҳмонлар тўпаландилар. Совхоз партия комитетининг секретари Ҳалима Рафурова тантанали митингнинг очар экан, совхоз коллективининг юксак мукофотдан ниҳоят руҳланганини изҳор қилди.

Нотиқлар ўз сўзларига партия ва ҳукуматнинг меҳнаткашлар ҳақида қилаётган ғамхўрлигига ташанкур сўзларини айтдилар.

Совхознинг дондор зверо бошлиги Ридван Чин сўзга чиқиб, пахтакорлар номидан ташанкур билдирди. Звеносининг бу йилги «оқ олтин» ҳосили етиштиришдаги ишлари ҳақида сўзлаб берди. Зверо юксак мукофотга жавобан 50 гектар ерининг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил беришга ваъда қилди.

2-«Оққўрғон» совхозининг директори В. А. Арақелян, Қўйишев номли колхоз раиси Эргаш Ниёзов ҳам сўзладилар.

Оққўрғон район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ С. М. Тоиров бу совхоз ўз намунали ишлари билан район, пахтакорларини янги ишларга илҳомлантираётгани ҳақида гапирди.

Совхоз директори, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутаты З. Т. Мақсумов сўз олади:

— Биз бундан кейин янада юқори ҳосил олиш учун курашамиз. Шу билан бизга кўрсатилган катта

ва буюқ ҳурматни оқлаймиз. Шунинг учун ҳам бу йил совхозимизда 13000 тонна пахта, 250 тонна гўшт, 1350 тонна сўт, 400 тонна сабзавот ва полз экинлари, 3 тонна пилла ҳосили етказиб, юбилей йилини муносиб нишонлаймиз, — деди. Совхоз коллективини бутун қувватини ўзларига ҳамиша қанот бўлган техникага сунииб, олинган мажбуриятларни юқори кўрсаткичлар билан бажаришга сўз беради.

Совхознинг бош агрономи ўртоқ В. П. Бакулин йилгили қатнашчилари номидан КПСС Марказий Комитетини, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети номига ёзилган мактубни ўқиб эшиттирди. Бу мактуб зўр олқишлар билан қабул қилинди.

Совхозда бўлиб ўтган митинг Ленин орденли бу машаат коллективнинг бундан кейинги улкан ишларга ҳамиша қодир ва тайёр эканлигини намойишига айланди.

Шу ғанимат кунларда совхознинг қадрдон даладариди авжи иш қизиги кезлар бўлиб, дала азаматлари астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Олий мукофот совхоз одамларини чинакам ғайратлантириб юборди.

Митингда область ижроия комитетининг раиси Э. Т. Шайков, область партия комитетининг секретари П. В. Костриков ўртоқлар қатнашдилар.

Ю. ХАМДАМОВ.



Бу илгит ва қизларнинг юзларига бир боқинг-а. Юзларида табассум, кўзлари ҳаракатда. Бир зум ҳам бўш турмайди. Бу ишларнинг ҳаммаси бир факультетда ўқишмоқда. Улар фан билмиларини ишлаб чиқаришга узвий боғланган ҳолда олиб бораётган, ишлари учун ҳам беҳад хурсандилар. Ёшлар ўқишувчи ва оқиниларнинг мароқли лекцияларини тинглашиб,

кейин ўқиб ўрганганларини бевосита ишлаб чиқаришга татбиқ қилаётганлар.

Тошкент қишлоқ хўжалик институтини пиллачиллик бўлимининг студентлари звероюларга бўлиниб пилла кўрти боқишганди. Улар пилла кўртини агротехника талабалари асосида парварши қилишлар.

— Студентларимизни, — деди пил-



Давлатга пилла сотиш планини бажарганликлари учун қуйидагилар области «Хўрмат тахтаси»га ёзилдилар:

КАЛИНИН РАЙОНИ БЎЙИЧА

«ЛЕНИН ЙЎЛИ» КОЛХОЗИ (раиси С. Мухаммаджонов, партия ташкилотининг секретари Қ. Боймўхамедов, агротехники Н. Носиров ўртоқлар). Бу колхоз 10.500 ўрнига 10.758 килограмм пилла топшириб, планини 102,1 процент бажарган.

«ПАРТИЯ XX СЪЕЗДИ» КОЛХОЗИ (раиси С. Назаров, партия ташкилотининг секретари Қ. Умаров, агротехники М. Зуфаров ўртоқлар). Колхоз 11.000 ўрнига 11.040 килограмм пилла топшириб, планини 100,3 процент бажарган.

«ҚОРАСУВ» СОВХОЗИ (директори Р. Дадаҳўжаев, партия ташкилотининг секретари М. Екубова, агротехники Ш. Шонорова, Зуфарова ўртоқлар). Совхоз 14.860 килограмм пилла топширди.

ЎРТА ЧИРЧИҚ РАЙОНИ БЎЙИЧА

«КОММУНИЗМ» КОЛХОЗИ (раиси О. Бердиев, партия ташкилотининг секретари И. Ризакулов, агротехники Х. Нишнова ўртоқлар). Колхоз 4900 ўрнига 5027 килограмм пилла топшириб, планини 102,7 процент бажарган.

ОҚҚЎРҒОН РАЙОНИ БЎЙИЧА

ОХУНБОБОВЕВ НОМЛИ КОЛХОЗ (раиси Н. Кукса, партия ташкилотининг секретари Х. Худойкулов, агротехники А. Худойбоков ўртоқлар). Колхоз 5200 ўрнига 5542 килограмм пилла топшириб, планини 106,6 процент қилиб адо этди.

«ЛЕНИНГРАД» КОЛХОЗИ (раиси В. Пак, партия ташкилотининг секретари С. Зокиров, агротехники Х. Югай, Х. Шегай ўртоқлар). Колхоз 4200 ўрнига 4359,7 килограмм пилла топшириб, планини 103,8 процент қилиб бажарган.

Митингда область ижроия комитетининг раиси Э. Т. Шайков, область партия комитетининг секретари П. В. Костриков ўртоқлар қатнашдилар.

БЕШ ЙИЛЛИК ВАХТАСИДА

САНОАТЧИЛАРИМИЗНИНГ КАТТА ЗАФАРИ

Тошкент области ва шаҳар саноат ходимлари Улуғ Октябрнинг 50 йиллик юбилейини муносиб меҳнат совгалари билан кутиб олиш юзасидан бошланган умумхалқ ҳаракатида актив иштирок этиб, зафар кетида зафар кўчмоқдалар. Ишлаб чиқариш жараёнининг тинмай механизациялаш ва автоматлаштириш, технологияни тақомиллаштириш, новаторлик ҳаракатини кенгайтириш ва илгорлар тажрибасини кенг ёйиш натижасида шу йилнинг беш ойлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планини муддатидан илгари — 29 майда муваффақиятли адо этдилар. Қатор муҳим саноат турларини тайёрлаб тошларини ҳам ортин билан бажарилди.

Областдаги ақсарият корхоналар коллективлари бир неча кундан бери келаси ой ҳисобига маҳсулот бермоқдалар. Бекобод металлургия, Чирчиқ химиклари, Тошкент машинасозлари, Оҳангарон ва Олмалиқ кончилари, айниқса, самарали ишлашляпти.

Баракали меҳнат қилаётган об-

СТАНЦИЯ ҚУВВАТИ ОШМОҚДА

Ўзбекистон энергетикасининг етакчи корхонаси бўлган Тошкент ГРЭСи ўз қувватини тобора оширмоқда. «Средазнергомонтаж» трестининг бригадалари меҳнат қилаётган майдончадан хушхабар келди — бу ерда олтинчи блокни монтаж қилиш тугалланди.

Ҳар соатда беш юз тонна суви бугга айлантирувчи жуда катта қозон батамом янгиллиб, гидравлик синовдан ўтказилди ва ювиб қўйилди. Ана шу буг 140 атмосфера босими таъсири остида тру, боловодлардан турбина парраларига боради. Турбина эса, ҳозирдаёқ тайёр қилиб қўйилди.

Кенг ва хилма хил программали сўнгги синовлардан ўтгандан кейин энергоблок ҳам ишга туширилди. Ушанда станциянинг қуввати 960 минг киловаттга етди.

Еттинчи блокда ҳозирдаёқ қозон монтаж қилинмоқда ва турбинани йиғишга киришилди. Монтанжчилар буларни Совет ҳокимиятининг юбилейига ишга тушириш учун ҳаракат қилмоқдалар. Сикизкинчи блокда пойдевор тайёрлаб қўйилди.

Яна тўрт блокни қуришга тайёр-гарлик кўрилмоқда. Ана шу блокларнинг ишга туширилиши билан станциянинг иккинчи навбати қуриб битказилди.

ПИЛЛА ПЛАНИ БАЖАРИЛДИ

Совет ҳокимиятининг ярим асрлик тўйини катта меҳнат совгалари билан кутиб олишга бел боғлаб, умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилган районимиз меҳнаткашлари юбилей йилининг дастлабки катта зафарини қўлга киритдилар. Қуни-кеча районимиз пиллачилари давлатга пилла сотиш йиллиги планини шараф билан бажарганликлари тўғрисида галаба рапорти бердилар. Она-Ватан омборларига 207 тонна аъло сифатли «оқ тилла» етказиб берилиб, план 101,4 процент адо этилди.

Бу ютуқ ўз-ўзидан қўлга киритилгани йўқ. Районимиз меҳнаткашлари қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари билан бир қаторда пиллачиларини ҳам йил сайин кескин юксалтириш, унинг ҳосилдорлигини ошириш йўлида кўч-ғайратларини аямая меҳнат қилмоқдалар, барча ички имкониятларини ишга солимоқдалар.

Колхоз-совхозларда пиллачиларини илгор агротехника усуллари ва пешкадаларини йўл тажрибеларини жорий этишди. Пилла ҳосилдорлигини оширишда, илгир кўртлари учун етарли миқдорда тут бағрларини етиштиришда ўрта Осиё илгирчилик илмий-техник институтининг илмий ходимлари ва хизматчилари катта ёрдам бермоқдалар. Район партия, комсомол, пионер ва насоба союз ташкилотлари ҳар йилликке бу йил ҳам районда кўрт боқиш мавсумини муваффақиятли ўтказиш ишига актив ёрдамлашдилар.

Шуниси қувончлики, районимизда пилла ҳосилдорлиги ялғариб йиллардагига нисбатан ҳозирнинг ўзандаёқ бирмунча юқори бўлди. Район бўйича ҳар кўрт илгирчи ҳисобига давлатга ҳозиргача ўрта ҳисобда 60 килограммдан пилла топширилди. Қўнгина илгир хўжалиқларининг пиллачилари ҳосилдорлиги борасида энг юқори кўрсаткичларга эришилди. Масалан, «Ленин йўли» колхозиди ҳар кўрт илгир кўртдан 71,5 килограммдан, Илчиқ номили, Собир Раҳимов номли колхозларда 67—68 килограммдан пилла олинди.

«Келес» совхозининг меҳнаткашлари ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятни областда энг биринчилар қаторида бажардилар. Ленин номли, Навоий номили, Орхониккидзе номли колхозларининг пиллачилари ҳам ўз мажбуриятларини анча ошириб адо этдилар. «Назарбек» совхозининг меҳнаткашлари мамлакатга 22 минг килограмм, «Қорасув» совхозининг меҳнаткашлари 15 минг 400 килограмм пилла етказиб бердилар.

Бутун кўрт боқиш мавсуми давомида пиллачиларимиз ўртасида социалистик мусобақа авж олдириди. «Қорасув» совхозидан М. Мўминов, З. Чиналиева, «Ленин йўли» колхозидан С. Умарова, М. Иброҳимова, «Дамачи» совхозидан М. Восирова, У. Бегалиева, Навоий номили колхоздан П. Қўнорова, Илчиқ номили колхоздан Х. Қорабоева, С. Раҳимов номли колхоздан З. Ҳамидова, «Партия XX съезди» колхозидан Н. Миласонова, К. Ҳўжаева, «Келес» совхозидан А. Қосимова синари йилаб пешкададан пиллачиларимиз ҳар кўрт илгир кўртдан 100 килограммдан ошириб ҳосил олишга муваффақ бўлишлар.

Шу кунгача районимиздаги 23 хўжалиқнинг 20 таси давлат планини ошириб бажарди. Қолган уч хўжалик ҳам бугун—эрта галаба рапорти беради. Районимизда давлатга пилла сотиш қизиги давом эттирилмоқда. Ҳали кўртхоналаримизда терилмаган ҳосил кўп. Пиллачиларимиз ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, давлатга яна кам деганда 100 центнер пилла етказиб бериш юзасидан қўшимча мажбурият олдилар. Шақ-шубҳа йўқки, бу мажбурият ҳам яқин кунлар ичида шараф билан бажарилади.

М. КАМОЛОВ,

Калинин район партия комитетининг биринчи секретари.

М. ТОЖИЕВ,

район ижроия комитетининг раиси.

М. УБАЙДУЛЛАЕВА,

район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бош-лиги.

М. ҒОЗИЕВ,

«Тошкент муҳбири»

«Тошкент муҳбири»

«Тошкент муҳбири»

«Тошкент муҳбири»

«Тошкент муҳбири»

«Тошкент муҳбири»

«Тошкент муҳбири»

«Тошкент муҳбири»

«Тошкент муҳбири»

«Тошкент муҳбири»

«Тошкент муҳбири»

«Тошкент муҳбири»

«Тошкент муҳбири»

«Тошкент муҳбири»

«Тошкент муҳбири»

«Тошкент муҳбири»

«Тошкент муҳбири»

«Тошкент муҳбири»

«Тошкент муҳбири»

«Тошкент муҳбири»

«Тошкент муҳбири»

«Тошкент муҳбири»

«Тошкент муҳбири»

ДЕВОРИЙ ГАЗЕТА

Деворий газеталар Совет ҳукумати барпо бўлиб, унинг мустақамлашиши, ривожланиши даврида халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида нашр қилинади. Деворий газеталар билан бир қаторда арзирли хизмат қилиб келди ва эндиликда ҳаётимизда мустақам ўрни эгаллаб қолди.

Деворий газеталар айниқса коллективлаш даврида колхозларда, кишлоқ Советларида, йўлчи союзларида, аёллар, партия, совет, касабасоюз комсомол ташкилотлари активларининг фаолияти билан катта оғру қозониб, ҳўжаликда, турмушимизнинг гўяли соҳаларида эришилган ютуқлар ва илгор тажрибаларни кенг пропарганда қилиди, ҳато ва намчиликлари айвсиз танқид остига олади.

Ушадарларда янгидан ташкил қилинган совет мактаблари, техникумлар ва бошқа йллий муассасаларда деворий газеталарнинг турли формалари ривож топди. йл-фан асосларини, маърифатини тарғиб қилишда чинакам ишчи бўлиб хизмат қўрсатди. Шундай қилиб, деворий газеталар коллективнинг кўп қиррали ҳаётини аке этирувчи кўзгуга айланди.

Ҳозир деворий газеталар деярли барча колхоз, совхоз, корхона, муассаса, мактабларда мавжуд бўлиб, у ердаги партия, комсомол ва касабасоюз ташкилотларнинг органи сифатида хизмат қилмоқда.

Деворий газетанинг чиқиш вақти, мазмунини ўша ташкилотнинг, ўша коллективнинг ўзи белгилайди, албатта. Газета шаронга қараб бир ойда бир ёки икки марта чиқарилади. Деворий газеталарнинг ҳажми ҳар ерда ҳар хил бўлади. Ҳар бир ташкилотнинг фаолиятига қараб катта-кичи ва турли беанли бўлиб чиқади. Кузатишимизча, энг кичиклари 90х60 сантиметр, 4—5 устулдан кам бўлмайди. Бироқ чиқарилаётган кун ёки гизета бағишланадиган воқеликка, бериладиган мақодалар аҳамиятига қараб ҳажми истаганча катталаштириш мумкин.

Биз турли ерларда чиқариладан деворий газеталарни кўздан кеириб чиқдик. Уларнинг ҳажмаси ҳар хил катталида: бир-бирига ўхшамайди, шакли турлича, умуман олганда, деворий газетанинг шайли бир хил бўлиб, ўзининг маъмуз даражадаги қонуний кўринишига эга бўлиши лозим, албатта.

Деворий газетанинг қиёфаси ҳар қалай қўйидагича бўлгани маъмуз. Тенда «Бутун дунё пролетарлари, бирлашчи!» деган шор бўлади. Сўнгра ўртада деворий газетанинг номи (катта кўринишда қилиб ёзилади) ҳат бурчада сурул ёки бирор қақирғи, чегда, ўнгда эса газетанинг чиққан пайти, сони кўрсатилади. Газета номи тағида кимнинг органи эканлиги олади.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

кўрсатилади. Сўнгра устун (коллонна)ларга бўлиниб, бош мақола билан бошланади. Давомидан олдий мақола, расм, шетр, сўнг танқидий мақола берилиши мумкин. Байрам сонларида танқидий мақола берилиб, ўртоқлик ҳазиллари билан яқунданса мақсадга мувофиқ бўлади. Унг томоннинг тағига редколлегия ёки редактор фамилияси ёзиб қўйилади.

Шу айтданга форма билан чекланиб қолш керак, деган ҳулосага келиш ярамайди. Газетанинг формасини истаганча ижодий равишда ривожлантириб, газетхонларнинг диққатини ўнга тортадиган қилиш мумкин.

Газетани картон қоғозга ёзиш, махсус ясалган тахтага ёпиштириш, сўнг кўчириб, янги мақола билан алмаштириб турш ҳам мумкин. Баъзан юлларда мақодалар машинада ёзилиб, ун тахтадан ясалган колонкаларга ёпиштириб ҳам қўйилади. Бу ҳам ўнга хос бўлиб, газетанинг чироили чинишини, қўйидамай ўқинишини таъминлайди.

Бундан ташқари деворга осиладиган газеталарнинг махсус танқидий кўринишлари ҳам бор. «Тиканан», «Тўқмоқ», «Бизча», «Оч биниға», «Вокс» ва бошқаларни мисолга олиш

мумкин. Ҳажвий деворий газеталарнинг оғруси кўпроқ ўша ердаги ўртоқларнинг расмочилик ва расмга мослаб ҳажвия ёзиш маҳоратларига боғлиқ.

Бундай турдаги кўн матбуотда босилган танқидий мақодалар шу ташкилот коллективни муҳоамасига қўйиладан турса, жула, йлши бўлади, йлши газета таъсирчилангн кучади. Кейинги сонларда эса танқиддан тузалиб, илгорлар сағига ўтти олган ўртоқлар ҳақида мақола ёзила, яна ҳам ахши.

Илжон бўласа, колхоз ва совхозларда дада ишларининг энг қизиган пайтларида деворий газеталаринг ҳар 15 кунда чиқариб турнига эришмоқ зарур. Ушанда айрим ютуқлар, иш тажрибаларинг ўртоқлаштириб, камчиликлар очиб ташлана, дада ишларида меҳнат унумини оширишга эришилади.

Бу тажрибани далачилликда, боғдорчиликда, шўнингдек ишлар мавсуми қизиган ҳамма жойларда қўлланиш мумкин. Бунга эришиш учун редколлегия аъзоларини уздабурро, актив, жошқуяр ўртоқлардан сайлаш зарур. Ушандагина газетанинг ўз вақтида кўрили ва юксак гойда чиқишига эришилади.

Деворий газетда ишқмас, яқовларинг ҳаётимизнинг бошқа турли хусбузарларини кўрқмасдан танқид қилаберши керак. Ҳаққоний танқид қанчалик кучан бўласа, ишнинг олға силкинишга ердм беради, газетанинг ҳам оғру-этибори, ҳўрматн ошади.


Редколлегия аъзоларини албатта партия, касабасоюз ёки комсомол ташкилотининг йиллиқ ишларида бирма-бир овозга қўйиб, савловлангн ўтказиш керак. Вақти-вақти билан редколлегия аъзолари ўз органларини олдига ҳисобот ҳам бериб туршилари лозим.

Ҳулоса қилиб айтиш зарурки, чироили қилиб безатилиб, чиқариладан, илхам, гўявий мазмундор мақолаларга эга бўлган деворий газеталарнинг оғруси оғруи бораверади.

Р. УБАЙДУЛЛАЕВ.
Орзониқиде район «Коммунизм тоғи» газетасининг редактори.

ПОНТАХТдаги 2-тикув фабрикаси коллективни юбилей вахтасида туриб меҳнат қилапти. Сиз суратда кўриб турган чеварлардан М. Сайфутдинова ва А. Гилеш ўртоқлар корхона илгорларини. Улар ўз меҳнат тошқирларинг ҳамина 130—140 процент қилиб адо этишяпти. А. ТҲРАЕВ фотоси.

СУРАТДА: Қозогистон курувчилари Чилонзорда қатор уй жой биноларни бунёд этдилар. Бу кўшқаватли уйларга тошкентликларнинг неча ўлаб оналари кўчиб кирган. Г. ПУН фотоси, (ЗТАҒ фотохроникаси).



ПОНТАХТдаги 2-тикув фабрикаси коллективни юбилей вахтасида туриб меҳнат қилапти. Сиз суратда кўриб турган чеварлардан М. Сайфутдинова ва А. Гилеш ўртоқлар корхона илгорларини. Улар ўз меҳнат тошқирларинг ҳамина 130—140 процент қилиб адо этишяпти. А. ТҲРАЕВ фотоси.

БОЛАЛАР ФИЛЬМЛАРИ КЎРИГИ

ЎзЛКСМ Марказий Комитети, Касаба Союзлари Республикаси Совети, ЎзССР Министрлар Совети Кинематография Давлат комитети биргаликда Ўзбекистон маданий муассасаларида болаларга намунали кино хизмати кўрсатиш учун жамоат кўрик-конкурс ўтказиш ҳақида қарор қабул қилдилар. Кўрик-конкурс Улуғ Октябрнинг шонли 50 йиллигига бағишланган бўлиб, 1967 йилнинг биринчи ноябргача давом этади.

Бу кўрик ём авлодин коммунистик руҳда тарбияланда кино санъатидан кенгроқ фойдаланиш, ёшларга совет ва жаҳон киносининг энг ахши асарларини кўпроқ кўрсатиш, ўқув программасига монанд ҳужжатли, илмий-оммабоп фильмларидан ахши фойдаланиш, ота-оналар ўртасида тарбиявий ишларни кенг йўлга қўйишда кинодан унумли фойдаланиш, фильмларга болаларни қўллаб жалб қилиш мақсадларини кўзда тутди. Мазкур конкурсни ташкил қилувчи ва ўтказувчи республика

ка комиссиясининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда комиссия аъзоларининг вазифалари аниқланди. Комиссия жойларда болаларга кино хизмати илхиллаш юзасидан олиб борилаётган ишларни кузатади, энг ахши муассасалар тажрибасини умумлаштириди, бу муҳим масалага оид методик қўлланмалар, болалар фильмлари каталогларни тузади.

Кўрик-конкурс шартларига мувофиқ кино хизматини намунали ташкил этган энг ахши давлат ва касабасоюз муассасалари ЎзЛКСМ Марказий Комитети, Касаба Союзлари республика Совети ва ЎзССР Министрлар Совети Кинематография Давлат Комитетининг Фахрий ёрлиқлари ҳамда радиоюзел, «Укрина» киноаппаратураси, магнитофоли ва бошқа буюмлар билан мукофотланадилар.

Соврунлар Улуғ Октябрнинг шонли 50 йиллиги байрами кунда конкурс гўлибларига топишилади.

М. ЯХЕЕВ.



СУРАТДА: Қозогистон курувчилари Чилонзорда қатор уй жой биноларни бунёд этдилар. Бу кўшқаватли уйларга тошкентликларнинг неча ўлаб оналари кўчиб кирган. Г. ПУН фотоси, (ЗТАҒ фотохроникаси).

АЛАНГАЛИ ЙИЛЛАР У КУНЛАР ШУҲРАТИ СЎНМАС

Муҳаммад Қаюмов узоқ йиллар давомиди суд ва прокуратура органларида ишлаган. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида бошлай у улқамизда босмачилар ҳаракатига қарши курашда, ер ва сув илохотини ўтказиш, қишлоқ ҳўжалигини коллективлаштириш ишларида фаол қатнашган. Шундан сўнг у 25 йил давомиди Оҳангаронда халқ судьяси бўлиб ишлаган. Ҳозир шахсий пенсиясига.

Қўйида биз М. Қаюмовнинг Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида босмачиларга қарши кураш ҳамда коллектив ҳўжаликлар тузиш даврига оид хотираларидан лавҳа бераётимиз.

1919 йил. Революция душманлари ёш Совет ҳокимиятига қарши курашнинг бошлай юборган ана шу несларда Оҳангарон водисиди ҳам босмачилар ҳаракати бошланди. Босмачилар янгидан жойларда ташкил топаётган ҳокимиятга қаршилик кўрсатиб, халқ тинчлигини бузар, меҳнатқилларнинг бор-йўқ мол-мулкларини талаб олиб кетар-ёларига қаршилик кўрсатган кишиларни йўқотишга ҳаракат қилар эдилар.

Ушад вақтда бу ҳаракатга қарши муваффақиятли кураш олиб бориш мақсадига Облиқ фронти ташкил этилди. Тошкент билан Облиқ ўртасида вақтинча телефон алоқаси ҳам ўрнатилди. Босмачиларга қарши курашиш учун Мақсум Саломов, Боймурод Норов бошчилигида отлик дружиналар тузанди. Бу дружиналар қалқасар босмачиларга қарши илчи-деҳон аскарлари, чекистлар билан бир сафда туриб, шиддатли жанглар олиб боришди. Халқ дружини-



Санъаткорлар далада

Қарийб ярим ойдан кўпроқ дириж, Меҳнат Қизил Байроқ орденли бирлашган Ўзбек Давлат филармонияси ва астрадасининг биринчи астрада концерт бригадаси Тошкент областъ меҳнатқиллари хўзуридадир. Урта Чирчиқ райониди Қўйибшев номи, «Оҳангарон» совхоз, «Маданият», Қирон номи колхозларда, Янгийўл райониди Энгельс, Охунбобоев, «Ўзбекистон 30 йиллиги», «Ленинград», Фрунзе номи колхоз ва совхозларда, Чилонзор посёлкиси ва Янгийўл шаҳрида 15 дан кўпроқ концерт қўйиб бердилар. Тошкент областиди концертларимиз ҳали бир неча кун давом этади. Санъаткорлар орасида Ўзбекистон ССРда хизмат қўрсатган артист Меҳри Абдуллаева, солисткалар К. Баратов, Қ. Искандаров, Саномияц, Н. Екубов, Р. Абдуллаева, М. Ақромова, З. Хожиева, Г. Тожиёв, С. Солидов, Қ. Абзамов, А. Муллоқодов, М. Тожмухамедов ва бошқалар бор.

Биз санъаткорлар қаерда бўлаётган томошабинлар билангн ҳар бир концерт номеримизни зўр кўтаринки руҳ билан қабул қилишди. Ҳар вақт биз санъаткорлар томошабинлар олдиға чиниб ўз санъатимизни намойиш этаётган бир пайтда санъат мухлисларининг санъатга улғу муҳаббатига ва илхоси баланд эканлигини сезиб тураимиз. Бундан томошабинлар бизнинг концертларимиздан ниҳоят мамун эканликлариини пайқаймиз.

И. КАТАЕВ,
Ўзбек Давлат филармонияси ва астрадасининг артисти.

сининг фаол иштирокчиларидан Сайрам Сулаймонов, Қурбон Зондов, Рузбобил Қўноқов, Неймат Йўраев ва бошқалар катта жасорат кўрсатишди.

Айвсиз ва шиддатли курашлардан сўнг, ниҳоят 1923 йил кунда босмачи галалар бутунлай магубитга учради. Эрали кўрбоши, Ҳокимзоилов, Ирисбек Қозоқ, Юсуф қўрбоши — жами 11 киши қўлга олинди. Булар областъ территориясида қўлга туширилган энг хавфли босмачилардан эди.

Шундан сўнг Оҳангарон батрак, камбағал, чоракор ва деҳқонлари тинч ҳаётини бошлай юбордилар. Ушад вақтда қишлоқ ҳўжалигида аҳвол оғир эди. Бу ерда ҳам бошқа жойларда бўлгани каби ер илохотини ўтказиш, Совет ҳокимиятини мустақамлаш, хотин-қизларни овоз этиш каби муҳим ҳаёт масалалар қўйидадан бўлиб турганди.

1926 йил ёздан бошлай водилдаги қатор воқеликлар туғатилди, Оҳангарон район партия комитети ташкил қилинди. Район составига 23 та қишлоқ Совети бериладди. Район маркази Қоракитой қишлоғи эди.

Оҳангаронда коллективлаштириш ишлари борасида дастлабки қадамлар қўйилди. 1929 йилда Қоракитой қишлоғида «Наҳрамон» (раис Муртоқ Қўмақулов), Оқча қишлоғида «Бирлашган» (раис 1919 йилдан бери КПСС аъзоси Соли Валиев), «Йлхши» қишлоқ Советида «Ҳайъатас» (раис Тойман Нуров), Хонобода «Янги рўзгор» (раис Комил Одилов) деб

номланган қишлоқ ҳўжалик артеллари ташкил қилинди. Ушад вақтда бу артеллар ҳали жула майда бўлиб, уларнинг ҳар бирига еттигаладан ўн тўртгача камбағал деҳқон ҳўжалиғи уюшганди.

Партияимиз Марказий Комитетининг 1921 йил ноябрь ойда бўлиб ўтган Пленумининг қарорлари асосида колхоз қурилишига якуни ясалди, унинг келажакдаги вазифалари белгилангн берилди. Бўтун мамлакатда ёпишган коллектив ҳўжаликлар тузиш қизиги тус олди. Оҳангарон район партия комитети (ушад пайтда унинг биринчи секретари Эшонқул Бобонизов эди) бошчилигида коммунистлар партия қарорини амалга ошириш учун курашган кўчатириб юборилди. Партия, совет ва комсомол ҳодимларига амалий ердм кўрсатиш, халқ оммаси ўртасида пропаганда ва агитация ишларини олиб бориш мақсадида Оҳангаронга юборилган Тошкент округ партия комитетининг 22 кишилик вакили бу ишда фаол қатнашди. Телов қишлоғида партия активи йнгилиб, унда қишлоқ Советларига вакиллар юборишга қарор қилинди. Бу вакиллар 23 қишлоқда коллектив ҳўжаликлар ташкил қила бошладилар. 1930 йилда 25 дан ортиқ колхоз тузилди. Лекин тинч ҳаёт узоқ давом этмади. 1930 йил март ойда «Бирлашган» қишлоғининг тоғли қисмларида бир тўда босмачилар яна беш кўтарди. Босмачилар тўдасига «Усмон узун» лақабли киши бошлиқ эди. Улар деҳқонларнинг колхозга киришига тўсқинилик қилар, тескари ташкил-

лот юргизар эдилар. Турк қишлоғида босмачилар қўйхонага ўт қўйиб, 300 та наслдор қўйни йўқотишга муваффақ бўлдилар. ақолини таладилар.

Шундан сўнг қутурган босмачилар Облиқ қишлоғига ҳам бостириб кириб, бу ерда давлат, кооператив ва ширкат молларини талон-торож қилдилар. Одамларнинг тинчлигини бузиб, колхозга кирган деҳқонларнинг ҳаётига суиқасд қила бошладилар.

Бу ҳол яраган маркази ва унинг атрофидаги қишлоқлар ақолисини қаттиқ ташвишга солди. Тошкент шаҳри билан алоқа узилиб қолган эди. Райком ташаббуси билан активлардан маҳаллий дружиналар ташкил қилинди. Бир ҳафта давомиди ҳарбий ҳолат ҳукм сурди. Бироз вақтдан сўнг Тошкентдан отлик аскарлар ва чекистлар етиб келишди. Улар дружиначилар билан биргаликда босмачилар қароргоҳи — Облиқ қишлоғига бостириб бориладан. Биз комсомоллар эса янги ой давомиди район марказини қўриқлаб туриш учун сафарбар қилинди.

Босмачилар билан биринчи тўқнашув Қоракитой қишлоғида рўй берди. Қаттиқ отишма билан жанг қилиб кетди. Босмачилар бизнинг ҳўжумимизга чидаш беролмай, катта талафот қўйдилар. Улар тоғма-тоғ ошаб, Паркент райониға ўтиб кетишди. Босмачилар бу ерда ҳам район марказини талаб, давлат банкига ҳўжум қилдилар. Оғруғ ер-сув бўлимининг бошлиғи Абдуразақ Ҳакимбосовни ўлдирди-лар.

Ленин улар узоққа боришолмади. Тошкентдан юборилган қизил жангчилар Усмон узун галасини Паркентдан қўйиб юбордилар. Паркентда, улардан қолган 20 киши қўлга олинди. Шундай қилиб, бир ярим ой ичиди босмачиларнинг бу галаси ҳам бутунлай термор қилинди.

Оҳангарон водийсида яна тинч ҳаёт бошланди. Янгидан-янги колхозлар ташкил қилиниб, улар сон 33 тага етказилди. Босмачи тўдаларнинг асосий масанни бўлган Оқтоғ қишлоғида ҳам коллектив ҳўжаликлар янги ҳаёт куришга киришдилар. Деҳқонлар ёппасига социална сари дадил қадам қўйдилар. Бир вақтлар эзилганларнинг эзилгани, ҳўрланганларнинг ҳўрлангани бўлган ўзбек камбағал деҳқонлари коллектив ҳўжаликларга берилаш, ўз ҳақ ҳўқуқларини танидилар. Уларнинг ақлоли ҳар томонлама ахшиланиб борди.

Оҳангаронда янги ҳаёт ана шундай бошланган эди. Ҳозирги кунда — Совет ҳокимиятининг 50 йиллик юбилейини ишомлашга катта тайёргарлик қўраётган вақтимизда ўша ўтмиш кунларни, алағаларни кураш йиллари эста туртади. Деҳқонлар социализмга ҳудди ўша пайтда дастлабки қадамни қўйган эдилар. Қишлоқ ҳўжалигининг мисли қўрилмаган ҳозирги ривож, унинг шон-шўҳрати ҳам ўша вақтдан бошланган эди. Бу тўфонли, жанговар йилларни асло унутиб бўлмайди.

Муҳаммад ҚАЮМОВ,
шахсий пенсиясига.

ЛЕНИН ЮРГАН ЙЎЛЛАРДАН

Область болалар экскурсион турист базиси область халқ маорифи бўлими билан бирга ёш турист ва улқашуносларнинг елетини ўтказди. Шаҳар ва район селатларида гўлиб келган 108 ўқувчи Газамент шахрида тулганди. Ёш улқашунослар Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги юз йиллигини қандай кўтиб олаётганликларини намойиш қилдилар. Улар Ленин бўлган жойларга саёхатларга бориладан. Улқашуноснинг бой табияти, ақолиб манаваларини киноақорларга туширилар, қизилқирли степи ва фотоальбомлар тайёрладилар. Айниқса, «Қизил изоповлар»нинг қизил ишлари диққатга сазовор. Улар Улуғ Ватан уруши қаҳармонларини ва уларнинг қаҳармонликлариин юрганиш ҳўжасида қаттолға сазовор иш қилишди.

Селтада Чирчиқ ва Олмаёғи шаҳар ўқувчилари биринчи ўринни, Бекобод шаҳри команди эса учинчи ўринни олди. Районлар ўртасида Орионкидезе райони вакиллари гўлиб келишди. Ўртачирчиқликлар иккинчи, Бука ешлари учинчи ўринни олдилар. Гўлибларга кубоклар ва ёрлиқлар топиширилди.

— Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги муносабати билан ўтказадиган яна бошқа тадбирларимиз ҳам бор, — дейди область туристик базисининг директори Тоживой Раҳимжонов. — Ўқувчиларнинг ёғи қаниқулариди даврида Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқлари ҳамда Тошкент шаҳри ва областъ бўйича қизилқирли экскурсия ва юришлар уюштирамиз.

С. МУСАЕВ.

ПИОНЕРЛАР ПОЕЗДИ

Диспетчер хонасида телефон жингиллади.

— Станция навбатчиси, бош диспетчер Таяя Картошкина эшитди.

— Пост стрелкачиси Илроҳим Тўлағанов доқлад қилишди. Маршрут йўлга чиқишга тайёр. Вуйруғиниңизни кутаман.

Таяя Картошкина стрелкачсининг доқладини тинглагач, телефон трубкасини олди.

— Алло... алло «Пионер» станциясини? Вош диспетчер гапиряпти. 0—81 номерли поезд «Солнечная» станциясидан йўлга чиқяпти. Қабул қилишга тайёрийсиз?

Трубкада «Пионер» станциясини навбатчиси Таяя Гринюниниң янавош эшитилди.

— «Поездни қабул қилишга тайёрийсиз. Йўл очик».

Таяя Картошкина трубкани жойига қўйиб қаршисида турган алпарат киноаппаратни босди. Перронда кўп чироқ ёнди. Бу поезд сийдишчиға руҳсат берилганини билдирав эди.

Машинист Вали Абдуллаев

тепловозни бошқаришга киришди.

Тепловоз оғир нафас олиб ва икки марта узоқ гудок чалгани ҳолда аста-секин жойидан қўзғалди. Бежирим вагон ойналаридан юзга яқин ёш пассажи-ларнинг перронда қолган ота-оналари, ака-опалари билан қўл силлиб хайиладилар.

Станция бошчилиғи Махбуба опа Абдуллаева Тошкент болалар темир йўлининг фаолияти ҳақида ҳикоя қилиб берди.

— Тошкент болалар темир йўли 1941 йили пойтахтимизнинг Ленин комсомолли қўлида очилган. Темир йўл шаҳар комсомолларининг ташаббуси билан, қурилган. Тошкентлик ёшлар ишдан бунд вақтларида, яна бошқа қуриларида тинимай меҳнат қилишди. Уларнинг кучи на гайрати тўғрисида пилса вақт ичиди 950 метрли темир йўли ва станция қурилиб, бошқарилганига топирилади. «Октябрь революцияси» заводиди коллективни аса илхикитойларимиз учун паровоз ва иккита вагон тайёрлаб берди.

Тошкент болалар темир йўли станциясида қойиғи йилларда катта ўзгаришлар юз берди. 1960 йили Калужск заводидан учта янги вагон келирилди. Полшадан янги тепловоз олдиди. Темир йўлимида 950 метрдан бир километрге 700 метрга узайтирилди. Станциялар сонинг уртағида 400 га яқин йуқувчилар темир йўлидинг қасбини ўрганмоқда.

Махбуба опа бизни ўқув билисига бошладан. Ушансига кетган коридорнинг икки томонидида ўқув хоналари бўлиб, уларнинг ҳар бирида маълуом файллардан дарслар олиб борилади. Хоналарнинг бирига кирди. Синфда ўнга яқин, ўқувчилар деворга осилган илзат ёнида тўпланиб туришди. Ўқитувчининг Рухим Омилов ўқувчиларини поезд вагонларининг тўзилиши билан танқидийроқда. Ўқолларда тепловоз учун паровоз ва иккита вагон тайёрлаб берди.

Қўшни хонаға ўтдик. Катта етол устиди сазобатли паровоз, тепловоз ва электровоз, ҳар турли эластик вагонлар макети турипти. Хона ичра узунасига темир йўл излари ва симлари ўрнатилган. Ўқувчилардан Анвар Исмоилов, Абдор Исроилов ва Комил Давлатхўжаевлар машқ билан банд.

— Бу ерни изланувчилар хонаси деб аталади, — дейди тўгарак раҳбари Севроглия Николай Иванович. — Келангани кўзловчи, янгилик ахтарувчилар бу хонада янги электровоз ва юмшон вагонларнинг макетини ўйлаб топишди. Шу ерда синовдан ўтказиладан. Йўлда Москвада Бутуниттйфок моделчилар мусобақаси ўтказиладан. Мусобақалда қатнашмоқ учун ўз-ўзини бошқарувчи ВЛ — 23 электровоз макетини тайёрлашди. Вирйўла поездни маркалаштириладан ҳолда блокирова ва сигнал орқали бошқариш юзасидан илхитро-чилик ишлари олиб бориламоқда.

Трансформаторлар, генератор, вольтметр ва амперметрлар тўгарак қатнашчилари хизматиди.

Мана 20 йилкири. Махбуба опа ёшларга темирйўлчилик қасби сирларини ўргатиб келадан. Унинг ҳалол меҳнатлари муносиви тақдирланган. М. Абдуллаева «Хўрмат белгиси» ордени, «Шавкатли меҳнат учун» медали на СССР Қурилиш министрлигининг Фахрий ёрлиқлари қимматбаҳо буюмлар билан мукофотланган.

Хўлиға чиқдик. «Хаммаёғи кўм-қўи дароҳтор, айвоий гулларга бурнланган. Станция ҳовли ёш болалар билан гавжув. Улар саёхатга ҳозирлик қўришмоқда, поездни сабрслик билан куттишяпти. Поезд перронга келиб тўхтади. Вагонлардан ниткичтойлар туша бошладан. Уларнинг чехралари очик, қувноқ. Чўки саёхат қўнғилдагидек ўтди-да. Ҳадемай кичик поезд янги пассажирларини олиб яна йўлга чиқди.

И. ЮСУПОВ.

